

# **26-МАВЗУ:** **Ўз-ўзини бошқара олишда** **фаол ўқитиш усуллари**

**Маъruzачи: З.Исмайлова**



## РЕЖА:

- 1. Фаол ўқитиш методлари.*
- 2. Фаол ўқитиш методларини ташкил этиш.*
- 3. Муаммоли технологияни амалга ошириш омиллари.*



# *Фаол ўқитиш асосчилари*

1. Америкалик файласуф, психолог ва педагог  
Дж. Дьюри (1895-1925) томонидан **муаммоли таълимга** асос солинган

У талабаларнинг қобилиятларини ўрганиб,  
уларни тўрт грухга ажратади:

- Ижтимоий;
- Конструкциялаш;
- Бадиий;
- Тадқиқотчилик.



2. П. Д. Митчелл (1980 йилларда) педагогик технологияни муаммолари буйича 102 та манба борлигини айтган.
3. АҚШ нинг Индиана университетида Л. Ларсон 1946 йилда
4. А. Ильина, В. П. Бесъялко – рус олимлари
5. Н. Сайдахмедов, У. Нишоналиев, У. Толипов, Авлиёқулов, М. Усманбаева ва бошқалар. Республикализ олимлари (1990-йилларнинг бошларида)



Бугунги кунда олимларимиз миянинг  
ишлиш механизмларини ўрганаар эканлар  
қуидаги холосаларга келмоқдалар:

- Мия хужайралари сон жихатидан доимо бир хил бўлади, аммо уларни машқ қилиш оркали, ақлий меҳнатни бажариш орқали мия хужайраларининг сифатини ўзгартириш мумкин.
- Агар беш ёшгача бола икки тилни ўрганса, яъни мия фаол ишласа, келажакда у иқтидорли болалар қаторига қўшилиш имкони бир неча баробар ортади.



# Савол?

- Миянинг кўп ишлаши инсоннинг қаришига қандай таъсир кўрсатади?
- Ким тезроқ қарийди ақлий меҳнат билан шуғулланган инсонларми, жисмоний меҳнат билан шуғулланган инсонларми?



# **Миянинг фаол ишлаши нафақат ақлни ўткирлаштиради, балки шахснинг саломатлигига хам ўз таъсирини кўрсатади**

- . Ақлий фаолият организмда биологик қариш жараёнини секинлашишига ёрдам беради. Чунки мия фаол ишлагач, рухиятда янгиланиш содир булади, бу эса жисмоний танада ўз аксини топади.
- муаммоли таълимни жорий этиш тарбияланувчиларни нафақат ақлини, балки бутун жисмини тарбиялайди.



*Муаммоли таълим тизими фикрлаш рефлексини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ақлий фаолиятни фаоллаштиради.*

Фанда ақлнинг уч тури ажратилади:

1. **Концептуал ақл** – ходисаларнинг мантиқий, математик, лингвистик масалаларини яхши хал қилиш имконини туғдиради.
2. **Эстетик ақл** – ходисаларнинг шаклини билишга интилиш, лекин хар доим хам уларнинг сабаблари билан қизиқмаслик.
3. **Ижтимоий ақл (социал)** – асосий диққат шахслараро муносабатларда жамланган бўлади, шунингдек инсон тақдири, мақсадлар ва қадриятлар билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда алоҳида ўрин эгаллайди.

# Муаммоли таълим – бу

Ўқитувчи рахбарлигига муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо талабаларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида билим, қўникма ва малакаларни ижодий ўзлаштириш ва ақлий фаолиятни ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил этиш назарда тутилади.



# *Муаммоли таълимнинг муваффақияти қўйидаги омилларга боғлиқ:*

- Ўқув материалини муаммолаштириш;
- Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;
- Таълим жараёнини ўйин, меҳнат фаолияти билан уйғунлаштириш;
- Ўқитувчи томонидан муаммоли методлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;
- Муаммоли вазиятни хал этиш юзасидан муаммоли саволлар занжирини тузиш ва мантиқий кетма-кетликда талабаларга баён этиш.

# Муаммоли таълим технологиясига қуидагилар мисол бўла олади.

- муаммоли (ақлий хужум) методларни қўлланган дарслар;
- мунозарали (илмий мунозарали ва эркин фикрлаш) дарслари;

Мазкур дарсларнинг ўзига хос жихати дарс давомида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларга асосланади.



# Муаммоли вазият нима?

Муаммоли вазият хар қандай фикрлаш машаққатларидан фарқ қилиб, унда талаба машаққат талаб қилған түшүнча ёки фактнинг унга аввал ва айни вақтда маълум бўлған вазифа, масала бўйича ички, яширин алоқаларини англаб етади.



# Таълимда муаммоли ўқитишнинг уч шарти мавжуд:

1. Муаммоли таълимни ташкил этишда ўқув материалларини тизимли, тартиб билан ривожлантириш.
2. Вазифа берилганда уни ечиш усулларини танлаш имкониятини бериш.
3. Ўқувчи-талаба билим олишини мақсад қилиб қўйиши ва мақсадига эришиши учун ўз билимини тўғри баҳолай олиши.



# Муаммоли таълимни қўллаш технологияси

Муаммоли таълим мураккаблигига кўра турли даражада бўлиши, яъни ташкил этилиши мумкин.

Бу талабаларнинг тайёргарлик даражасига, билим даражасига ва фикрлаш қобилиятининг ривожланганлик даражасига боғлиқ холда танланади.



# Муаммоли вазиятлар мазмунiga күра қуидагича тавсифланади:

1. Мақсад номағым – уни аниқлаш керак.
2. Фаолият обьекти номағым – уни аниқлаш керак.
3. Фаолият усули номағым – уни аниқлаш керак.
4. Фаолиятни бажариш шартлари номағым – уни аниқлаш керак.



# Муаммоли вазиятларни қуийдаги турлари бор:


1. Кутилмаган фавқулодда – хайратланарли вазият.
2. Низо вазияти.
3. Фараз қилиш вазияти.
4. Инкор қилиш вазияти.
5. Номуттаносиблик вазияти. (амалий ва назарий билимларнинг бир-бирига тугри келмаслиги, ёки эски билимларнинг янги билимларга тўғри келмаслиги.
6. Танлаш вазияти.
7. Изланувчи ва тадқиқот ишлари ўтказиш хам муаммоли вазиятларидан бўлиб хисобланади.



# "АҚЛИЙ ҲУЖУМ" МЕТОДИ

*“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” методи-*

бирор муаммо бўйича ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва муроҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир.



# **«АҚЛИЙ ҲУЖУМ»**

## ***методининг тузилмаси***

Муаммоли савол берилади

Фикр ва ғоялар билдирилади ва жамлаб  
борилади

Фикр ва ғоялар гурӯҳланади

Аниқ ва түғри жавоблар танлаб  
олинади



# "МУАММОЛИ ВАЗИЯТ" МЕТОДИ

*"МУАММОЛИ ВАЗИЯТ" методи –*

таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг  
сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда  
уларнинг                   ечимини                   топиш                   бўйича  
кўникмаларини шаклантиришга қаратилган  
методдир.



# **«МУАММОЛИ ВАЗИЯТ»**

## **методининг тузилмаси**

Муаммоли вазият тавсифи берилади



Гурухлар муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар



Гурухлар муаммоли вазиятнинг оқибатлари тўғрисида фикр юритадилар



Гурухлар муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар




Тўғри ечимлар танлаб олинади

**“БАҲС -МУНОЗАРА” методи-**  
бирор мавзу бўйича таълим олувчилар  
билин ўзаро баҳс-мунозара ва фикр  
алмашув тарзида ўтказиладиган  
методдир.



# **«БАҲС-МУНОЗАРА»**

## ***методининг тузилмаси***



# “ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАТН” методи

“ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАТН” методи-

таълим олувчилар мустақил равишда  
йўналтирувчи саволлар ёрдамида  
маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга  
ошириш вазифаларини бажарадиган  
методдир.



# *«ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАТН»*

## *методи бўйича фаолият кўрсатии*



## **Таълим берувчининг дидактик ҳатти- ҳаракатлари**

**Натижалар  
қандай ўлчанади?**

**Таълим берувчи  
ким?**

**Ўқиши кандай  
Ташкиллашти-  
риш  
керак?**

**Таълим  
олувчилик ким?**

**Қандай шарт-  
шароитлар  
яратилиши керак?**

**Қандай мақсадларга  
эришилиши  
керак?**

**Қандай методлар  
ёрдамида  
ўқитилиши  
керак?**

**Мазмунни қандай  
танлаш керак?**